

## ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2022 йил декабрь ойининг 1 куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья Ф.Тураходжаев, судлов ҳайъати судьялари О.Қличев ва Д.Валиевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Б.Ғофуровнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори С.Акилов, судланувчи А.Саматов ва унинг адвокати М.Махамматовнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 2022 йил 17 октябрдаги ҳукмига кўра,

**Саматов Абдуллоҳ Дилмурод ўғли** (Samatov Abdulloh Dilmurod o'g'li) 1999 йил 4 март куни Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Улуғбек кўчаси, 129-уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича “қамокқа олиш тарзидаги” эҳтиёт чораси қўлланилиб, 02.06.2022 йилдан қамокда сақланган, айблов хулосаси нусхаларини ўз вақтида олганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланувчи А.Саматов томонидан келтирилган апелляция шикоятни асосида 1-1003-2205/615-сонли жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 2022 йил 17 октябрдаги ҳукмига кўра, А.Саматов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилиб, 12 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, А.Саматов, 2022 йилнинг 26 май кунидан 27 май кунига ўтар кечаси тунги соат 01.30 ларда Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Қатортол-Ал Хоразмий кўчасида ўзини “Зуля” деб таништирган, асли исм шарифи Турсунбоева Муҳлиса Дилшод қизи билан танишиб, 600.000 сўм эвазига эрталабгача жинсий алоқа қилиш учун келишган ва соат 03.18 ларда ўзи томонидан таъмирлаш ишлари амалга оширилаётган Шайхонтохур тумани, Марказ 15-дахаси, Жангоҳ кўчаси, 27-уйнинг 7-хонадонига М.Турсунбоевани олиб бориб, жинсий алоқада бўлган.

Шундан сўнг, А.Саматов спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолатда М.Турсунбоева билан яна бир маротаба жинсий алоқа қилмоқчи бўлганида, ўзаро оғзаки жанжал оқибатида М.Турсунбоевнинг унга нисбатан ҳақоратли сўзлар ишлатганлигидан ғазабланиб, қўллари билан



М.Турсунбоеванинг бўйин соҳасидан бўғиб, уни қасддан ўлдирган.

А.Саматов содир этган жиноятини яшириш, яъни М.Турсунбоеванинг жасадини йўқотиш мақсадида унинг юзини полиэтилен целлофан билан қоплаб, устидан изолента билан ўраб, ушбу хонадонда ўрнатилган “HOFMANN” русумли совутгич (кондиционер) кутисига (коробка) М.Турсунбоеванинг мурдасини унга тегишли бўлган нарса-буюмлар билан бирга жойлаштирган ва кутини устидан скотч билан ўраб, ушбу манзилга “Яндекс Go” интернет иловаси орқали такси чақиртириб, кутини уйнинг подъездидан ўзи мустақил равишда ташқарига судраб чиқиб, такси сифатида келган давлат рақами 40 N 690 МА бўлган “Nexia-2” русумли автомашинага юклаб, Учтепа тумани, “Чўпонота” МФЙ, Боғистон кўчасида жойлашган 102-уйнинг қаршисидан оқиб ўтувчи “Бўзсув” каналининг қирғоғига олиб борган ва кутини автомашинадан тушириб, такси кетганлигига ишонч ҳосил қилиб ва ён-атрофида ҳеч ким бўлмаганлигидан фойдаланиб, М.Турсунбоеванинг мурдаси жойлаштирилган кутини канал қирғоғига ташлаб юбориб, ҳодиса жойидан яширинган.

Суд-тиббиёт экспертизасининг 23.06.2022 йилдаги 523-сонли хулосасида жабрланувчи М.Турсунбоеванинг ўлими “юқори нафас йўллариининг юмшоқ жисм билан беркилиши ва бўйин аъзоларининг сиқилиши оқибатида келиб чиққан механик асфиксиядан” юз берганлиги кўрсатилган.

Судланувчи А.Саматов апелляция шикоятда, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини билдириб, уни ёшлигини инобатга олган ҳолда енгилроқ жазо тайинлашни сўраган.

Апелляция инстанцияси иш бўйича судья Ф.Тураходжаевнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори С.Акиловнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи А.Саматов ва унинг ҳимоячиси адвокат М.Махамматовнинг апелляция шикоятини қувватлаб, уни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз, келтирилган апелляция шикоятини қаноатлантиришсиз қолдиришни лозим топади.

Суд ҳақиқий ҳолатни аниқлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 22 ва 26-моддалари талабига мувофиқ жиноят ишини синчковлик билан ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб чиқиб, асосли хулосага келган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 94, 95-моддалари тартибида баҳоланган далиллар билан асосланган.

Судлов ҳайъати А.Саматовнинг жиноят содир этганликдаги айби, кўздан кечириш ва нарсани олиш баённомаси, ашёвий далилни олиш баённомаси, дастлабки тушунтириш хатлари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва фото-жадвал, экспертизаси хулосалари, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фото-жадваллар, ашёвий далилларни кўздан кечириш



баённомаси, қон намунаси олиш ҳақида баённома, экспертиза хулосаси, юзлаштириш баённомалари, дастлабки терговда сўроқ қилинган ва кўрсатувлари суд мажлисида ўқиб эшиттирилган гувоҳ Г.Туробова, Д.Олимов, Ж.Махмудов, М.Исроилова, Р.Шукуров, М.Обидов, А.Назаркулов ва К.Нуритдиновларнинг кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Биринчи инстанция суди томонидан А.Саматовнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Судлов ҳайъати, биринчи инстанция суди томонидан А.Саматовга жазо тури ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддасида назарда тутилган жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, жазонинг одилона бўлиши кераклиги тўғрисидаги қонун талаби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли ва 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорларида назарда тутилган тушунтиришларига риоя қилиб, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганлигини, ижтимоий аҳволи ва моддий шароити жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда тузалиш йўлига ўтмаслиги тўғрисида асосли хулосага келиб, модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, асосли хулосага келган деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан, судлов ҳайъати, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан, биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 2022 йил 17 октябрдаги ҳукмининг **Саматов Абдуллоҳ Дилмурод ўғли** (Samatov Abdulloh Dilmurod o'g'li)га оид қисми ўзгаришсиз, келтирилган апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи:**

**Ф.Тураходжаев**

**Ҳайъат судьялари:**

**О.Қличев**

**Д.Валиев**

